

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2022 йил декабрь ойининг 27 куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, Бухоро шаҳар “Беҳиштиён” МФЙ биносида, сайёр суд мажлисида, видеокўнғироқ алоқа воситаси орқали, судья Ж.Тожиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Норбаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Бухоро шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Рахимов, судланувчи М.Абдулсамиевнинг ҳимоячиси-адвокат А.Рамазонов, судланувчи А.Рахимовнинг ҳимоячиси-адвокат Ш.Мадиев, жабрланувчилар Д.Азимова ва С.Самадовнинг иштирокида, судланувчи Абдулсамиев Миржон Мансур ўғли ҳамда Рахимов Аббосали Хаётовичга оид 1-2001-2204/615-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Абдулсамиев Миржон Мансур ўғли /Abdulsamiyev Mirjon Mansur o'g'li/ - 2000 йил 21 март куни Бухоро туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, муқаддам судланмаган, бўйдоқ, Бухоро муҳандислик ва технологиялар институти 3-босқич талабаси, Бухоро тумани “Гулшанобод” МФЙ “Хўжа работ” қишлоғи 149-уйда яшайди, иш бўйича 25.09.2022 йилда “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 02.11.2022 йилда ЖИБ Бухоро шаҳар судидан олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбланган.

Рахимов Аббосали Хаётович /Rahimov Abbosali Hayotovich/ - 1994 йил 4 август куни Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам:

1) ЖИБ Бухоро шаҳар судининг 12.03.2014 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрь кунидги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан ҳаракатдан тугатилган;

2) ЖИБ Бухоро шаҳар судининг 24.07.2015 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “г” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг



57-моддасини қўллаб, иш ҳаққининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖИБ Бухоро шаҳар судининг 06.02.2017 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмасдан қолган 1 йил 10 ой 16 кун аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

3) ЖИБ Бухоро шаҳар судининг 03.11.2020 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган, оиласидан ажрашган, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Бухоро шаҳар “Бунёдкор” МФЙ “Зулфия” кўчаси 11/2-уй, 1-хонада яшайди, иш бўйича 25.09.2022 йилда “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 02.11.2022 йилда ЖИБ Бухоро шаҳар судидан олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Абдулсамиев Миржон Мансур ўғли қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтиб, 2022 йил 27 май куни тахминан соат 01:30 ларда жамоат жойи ҳисобланган Бухоро шаҳар, “А.Жомий” кўчасида жойлашган “Самонур” номли ресторан ташқарисида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан фуқаро Рахимов Аббосали Хаётович билан ҳеч бир сабабсиз жанжаллашиб, жанжал вақтида А.Рахимовни танасининг турли соҳаларига қўл ва оёқлари билан қасддан уриб-дўппослаб, А.Рахимовга суд тиббий илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг 09.06.2022 йилдаги №527-Т-сонли хулосасига кўра, чап қўл 2-бармоқ соҳасидаги юзаки яра ва қонталаш, чап кўз пастки қовоғи, иккала тирсак бўғими соҳасидаги қонталашлар, бурун қирраси, ўнг тирсак бўғими, иккала тизза бўғими соҳасидаги шилинмалар каби таснифланишига кўра, соғлигининг қисқа муддатли бузилишига олиб келмайдиган енгил тан жароҳати етказиб, безорилик жиноятини содир қилган.

Бундан ташқари, Абдулсамиев Миржон Мансур ўғли ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2022 йил 27 май куни тахминан



соат 01:30 ларда жамоат жойи ҳисобланган Бухоро шаҳар, “А.Жомий” кўчасида жойлашган “Самонур” номли ресторан ташқарисида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан фуқаро Рахимов Аббосали Хаётович билан жанжаллашиб, уни танасининг турли соҳаларига қўл ва оёқлари билан қасддан уриб-дўппослаб турган вақтида улар ўртасидаги безорилик ҳаракатларини олдини олиш чорасини кўриб, уларни ажратишга ҳаракат қилган фуқаро Азимова Дилафрўз Хаётовнани юз ва танасининг турли соҳаларидан уриб, уни итариб юбориб, Суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Бухоро филиалининг 2022 йил 9 сентябрь кунидаги 258-сонли хулосасига асосан Д.Азимованинг чап қўл панжа 5-бармоқ тирноқ фалангасининг ёпиқ синиши ва қонталаши, иккала тизза бўғими қонталаши ва шилинмаси, ўнг кўз юқори қовоғи, ўнг бел соҳаси, иккала елка, ўнг сон, ўнг болдир соҳасидаги қонталашлар, чап биллак соҳасидаги шилинма каби соғлигининг йигирма бир кундан ортиқ, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатда бузилишига олиб келадиган ўрта оғир тан жароҳати етказиб, безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқарога қаршилик кўрсатиш жиноятини содир қилган.

Рахимов Аббосали Хаётович қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтиб, 2022 йил 27 май куни тахминан соат 01:30 ларда жамоат жойи ҳисобланган Бухоро шаҳар, А.Жомий кўчасида жойлашган “Самонур” номли ресторан ташқарисида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан фуқаро Абдулсамиев Миржон Мансур ўғли билан ҳеч бир сабабсиз жанжаллашиб, жанжал вақтида М.Абдулсамиевни қўли билан юз соҳасидан қасддан уриб, унга суд тиббий илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг 10.06.2022 йилдаги 451-сонли хулосасига асосан, ўнг кўз юқори қовоғидаги қонталаш каби соғлигининг қисқа муддатли бузилишига олиб келмайдиган енгил тан жароҳати, ҳамда жанжал жойида бўлган жанжалга умуман алоқаси бўлмаган Самадов Сухроб Шавкат ўғлини олдиға бориб, қўли билан унинг юз соҳасидан бир маротаба уриб, унга Суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Бухоро филиалининг 2022 йил 30 май кунидаги 446-сонли хулосасига асосан, юқори жағ ўнг томонидан 1-тиши, юқори ва пастки лаб юмшоқ тўқималарининг лат ейиши, юқори ва пастки лаб ички юзасидаги қонқуйилишлар каби соғлигининг қисқа муддатли бузилишига олиб келмайдиган енгил тан жароҳати етказиб, безорилик жиноятини содир қилган.

Судланувчи Абдулсамиев Миржон Мансур ўғли суд мажлисида айбига қисман иқрорлик билдириб, ўқишдан бўш бўлган вақтларида амакисига тегишли бўлган Бухоро шаҳар “Самонур” номли ресторанга бориб, унинг ишларига кўмаклашиб келишини, 2022 йил 27 май куни кечки пайтда ҳам ушбу ресторанга бориб, тахминан соат 00:30 лардан ўтгандан сўнг, ишни яқунлаб ресторани ёпиш учун ёрдамлашганлигини, шу вақтда ресторанга туғилган кунни нишонлаш мақсадида келган шахслар, ресторан ичидаги барнинг олдиға бориб, улардан бири, яъни у кейинчалик исмини билган Рахимов Аббосали унинг олдиға маст ҳолатда келиб, ундан қўшиқ қўйиб беришини сўраганлигини, шунда у иш вақти



тугаганлигини, кўшиқ кўйиб билмаслигини тўғри маънода тушунтирсада, А.Рахимов унга кўпол муносабатда бўлиб, турли хил ножўя сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, шунда вазиятни юмшатиш ва уни тинчлантириш мақсадида, у билан гаплашиб олиш учун кўчага чиққанлигини, кўчада ҳам А.Рахимов унинг гапларига қулоқ солмасдан, уни ҳақорат қилишда давом этганлигини, шу вақтда унга гапириш бефойда эканлигини тушуниб, унинг олдидан кетаётган вақтида А.Рахимов яна уни "гўсола сука" деб ҳақорат қилганлигини, шунда орқасига қайтиб, нима сабабдан уни ҳақорат қилаётганлигини сўрамоқчи бўлиб, унинг олдида кетган вақтида, А.Рахимов кутилмаганда чап кўлини мушт қилган ҳолда унинг ўнг кўз соҳасига бир мушт урганлигини, шунда у А.Рахимовни яна урмаслик мақсадида кучоқлаб олиб, ерга йиқитганлигини ва кўли билан уришга ҳаракат қилганлигини, шу вақтда ўша атрофда уларни кузатиб турган ресторан ишчилари уларни дарҳол ажратганликларини, жанжални кўрган А.Рахимовнинг онаси ва опаси Д.Азимова уни турли хилдаги ножўя сўзлар билан ҳақорат қилишиб, унга ташланганликларини, улар аёл бўлганликлари ва маст ҳолатда бўлганликларини инобатга олиб, уларга кўлини ҳам теккизмаганлигини, у Д.Азимовани урмаганлигини ва уни итариб юбормаганлигини, у Д.Азимова маст ҳолатда бўлганлиги сабабли ўзи йиқилиб тушганлигини, у ресторанга кириб, телефонларни олаётган вақтида йиқилиб тушганлиги видеотасвирга ҳам тушиб қолганлигини, у ишчиларга тегишли бўлган телефон аппаратларини олиб, ерга улоқтириб ташлаб, телефонларга шикаст етказилганлигини, бундан ташқари А.Рахимов маст ҳолда бўлганлиги сабабли ҳеч бир сабабларсиз ресторан ишчиси С.Самадовни ҳам уриб, унга тан жароҳати етказганлигини, у қилган ишдан пушаймонлигини, ушбу жанжал юзасидан А.Рахимовга даъвоси йўқлигини, талаба эканлигини ва оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Рахимов Аббосали Хаётович суд мажлисида 2022 йил 26 май куни Бухоро шаҳридаги "Самонур" номли ресторанда қариндошининг туғилган кунини нишонлаш мақсадида оила аъзолари ва қариндошлари билан биргаликда борганликларини, соат 00:00 ларда тоғаси Ҳ.Жумаев рестораннын ичида тамаки маҳсулотини чекишни бошлаганида, ресторанда ишловчи, у кейинчалик исмини билган Абдулсамиев Миржон бақариб, бу ерда тамаки маҳсулотини чекиш мумкин эмаслигини айтганлигини, шунда у М.Абдулсамиевга тоғасининг ёши катта эканлигини ва ташқарига чиқиб-кириш қийинчилик туғдиришини тушунтирганлигини, аммо у уларни тушунишга ҳаракат қилмаганлигини, шунда у вазиятни тушунтириш учун унинг олдида бориб, байрамона кайфиятни бузмаслигини айтиб, тушунтириш берганида М.Абдулсамиев унинг елкасидан сиққан ҳолда ушлаб, кўпол муносабатда бўлиб, уни кўчага олиб чиққанлигини ва у билан носамимий, кўпол муносабатда бўлганлигини ҳамда уни ҳақорат қила бошлаганлигини, шунда унинг жаҳли чиқиб, М.Абдулсамиевнинг юзидан бир мушт урганлигини, шунда у ҳам унга жавоб қайтариб, уни кучоқлаб олиб, уни ерга йиқитганлигини ва кўли билан бир икки мушт урганлигини,



ўрталарида жанжал бошланиб кетганидан сўнг ўша атрофдаги ресторан ишчилари уни уришмаслиги учун қучоқлаб олганликларини, шу вақтда ҳам М.Абдулсамиев уни қўл ва оёқлари билан урганлигини, жанжални кўриб, унинг ота-онаси ва опаси Д.Азимова уларни ажратишга ҳаракат қилган вақтида, М.Абдулсамиев опаси Д.Азимовани итариб юбориб, уни йиқитганлигини, шунда опаси жароҳат олганлигини, шу орада М.Абдулсамиев у ердан қаергадир кетиб қолганлигини, опаси ерга ташлаб юборган телефон аппаратларини ердан олаётган Самадов Сухробни М.Абдулсамиевга ўхшатиб, уни юзидан бир мушт уриб юборганлигини, кейинроқ уни М.Абдулсамиев эмаслигини билиб, дарҳол ундан кечирим сўраганлигини, у қилган ишидан пушаймонлигини, жабрланувчи С.Самадовга етказилган зарарларни қоплаб, судланувчи М.Абдулсамиевдан кечирим сўраганлигини, унинг оилавий ва моддий аҳволини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Самадов Сухроб Шавкат ўғли суд мажлисида, видеоқўнғироқ алоқа воситаси орқали берган кўрсатувида Бухоро шаҳрида жойлашган “Самонур” номли ресторанда официант бўлиб ишлаб келишини, 2022 йил 26 май куни ўз ишлари билан шуғулланиб турган вақтида, ресторанга бир гуруҳ мижозлар қариндошларининг туғилган кунларини нишонлаш мақсадида келганликларини, соат тахминан 00:30 ларда мижозлардан бўлган, у кейинчалик исмини билган А.Рахимов маст бўлиб қолиб, рестораннынг ишларига ёрдамлашиш мақсадида келган М.Абдулсамиев билан тортишиб қолиб, кўчага чиқиб кетганликларини, улар ўртасидаги оғзаки тортишув жанжалга айланиб кетганлигини, шу вақтда А.Рахимов кутилмаганда М.Абдулсамиевнинг кўз соҳасидан бир мушт урганлигини, шу вақтда М.Абдулсамиевнинг ҳам жаҳли чиқиб, А.Рахимов билан қучоқлашиб кетганлигини, шу вақтда А.Рахимов ерга йиқилиб тушганлигини, у ва бошқа ишчилар уларни ажратишга ҳаракат қилганликларини, шу вақтда ресторанда турган А.Рахимовнинг қариндоши Д.Азимова маст ҳолатда ҳаммани ҳақорат қилиб, М.Абдулсамиевни уриш мақсадида ёпишганлигини ва ерга йиқилиб тушганлигини, шунда Д.Азимова ўрнидан туриб, ресторандан официантларга тегишли бўлган иккита телефон аппаратларини олиб чиқиб, ерга улоқтириб ташлаганлигини, телефонлардан бири унинг олдига келиб тушганидан сўнг у ушбу телефонни ердан олган вақтида кутилмаганда А.Рахимов келиб, қўлининг мушти билан унинг юзидан бир маротаба урганлигини, шунда ушбу зарбадан кўз олди қоронғулашиб кетганлигини, бироздан сўнг эса А.Рахимов ундан кечирим сўраганлигини, олган жароҳати бўйича унга етказилган зарар судланувчи А.Рахимов томонидан қоплаб берилганлигини, унга нисбатан бошқа даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Азимова Дилафрўз Ҳаётовна суд мажлисида 2022 йил 26 май куни Бухоро шаҳрида жойлашган “Самонур” номли ресторанда қариндошининг туғилган кунини нишонлаш мақсадида оила аъзолари билан биргаликда борганликларини, шу куни тахминан соат 00:00 ларда



тоғаси Ҳ.Жумаев ресторан ичида тамаки маҳсулотини чекмоқчи бўлганида, ресторан ишчиси, у исмини кейинчалик билган М.Абдулсамиев бу ерда тамаки маҳсулотини чекиш мумкин эмаслигини айтганлигини, шунда жияни А.Рахимов М.Абдулсамиевнинг олдида бориб, унга вазиятни тушунтирмоқчи бўлганида, М.Абдулсамиев уларни тушунишга ҳаракат қилмасдан жиянини кўчага олиб чиқиб кетганлигини, орадан бир оз вақт ўтиб, ўғли Шахзод унинг олдида келиб, жияни А.Рахимовни кўчада болалар билан ураётганликларини айтганлигини, шунда у кўчага чиққан вақтида бир неча фуқаролар А.Рахимовни уришмаслиги учун қучоқлаб олганликларини, М.Абдулсамиев эса тинчланмасдан жанжал қилишга ҳаракат қилаётганлигини кўрганлигини, шу вақтда уларни ажратиш мақсадида борган вақтида М.Абдулсамиев уни кўли билан уриб, итариб юбориб юборганлигини, у эса ерга йиқилиб тушганлигини, йиқилганида оёғининг тиззаси шилинганлигини ва кўл бармоғи синганлигини, у ички ишлар ходимларига қўнғироқ қилиш мақсадида ресторан ичидаги бардан телефон аппаратларини олиб келиб, кўчадаги ишчилардан коддини очиб беришларини айтганлигини, бирор киши телефонни очиб бермаганлиги учун, жаҳли чиқиб уларни улоқтириб юборганлигини, уларни синдириш мақсадида ерга урмаганлигини, жияни А.Рахимов С.Самадовни М.Абдулсамиевга ўхшатиб, бир мушт урганлигини, кейин қилган хатосини тушуниб, дарҳол кечирим сўраганлигини, судланувчи М.Абдулсамиев томонидан унга етказилган зарарлар қопланмаганлигини, М.Абдулсамиевга қонун асосида жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Абдулсамиев Сардор Баҳодир ўғли суд мажлисида 2022 йил 26 май куни Бухоро шаҳридаги "Самонур" номли ресторанда ўз ишлари билан шуғулланиб турган вақтида, ушбу ресторанга бир гуруҳ мижозлар қариндошларининг туғилган кунларини нишонлаш мақсадида келганликларини, шу куни тахминан соат 00:30 лардан ўтган вақтда келган мижозлар маст бўлиб қолишиб, аниқ бир сабабларсиз бир-бири билан жанжаллашиб кетганликларини, ушбу ресторан ишчиси М.Абдулсамиев уларга тинчланиб олишларини айтиб, у исмини кейинчалик билган А.Рахимовни кўчага олиб чиқиб, кеч бўлганлигини ва иш вақти тугаганлигини тушунтиришга ҳаракат қилганлигини, А.Рахимов эса маст ҳолда бўлганлиги сабабли унинг гапларига қулоқ солмасдан ва уни тушунмасдан ҳақорат қила бошлаганлигини, шунда улар ўртасида оғзаки тортишув бошланиб, А.Рахимов тўсатдан М.Абдулсамиевнинг кўз соҳасига бир мушт урганлигини, шу тариқа жанжал бошланиб, М.Абдулсамиев А.Рахимовни қучоқлаб олиб, улар ерга йиқилганликларини, шу вақтда ресторанда ичида бўлган А.Рахимовнинг қариндошлари ва холаси Д.Азимова уларнинг олдида келиб М.Абдулсамиевга ёпишиб кетганлигини, улар эса уларни ажратишга ҳаракат қилганликларини, шу вақтда Д.Азимова маст бўлганлиги сабабли ерга йиқилиб тушганлигини ва ресторан ичига кириб Р.Ражабовга ҳамда С.Каримовга тегишли телефон аппаратларини олиб чиқиб, ерга улоқтирганлигини, шу вақтда ҳамкасби С.Самадов ердан телефон



аппаратларини олаётган вақтида А.Рахимов келиб С.Самадовни қўли билан юз қисмидан бир мушт урганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Каримов Сухроб Музаффарович суд мажлисида 2022 йил 26 май куни Бухоро шаҳридаги "Самонур" номли ресторанда ўз ишлари билан шуғулланиб турган вақтида, ушбу ресторанга бир гуруҳ мижозлар қариндошларининг туғилган кунларини нишонлаш мақсадида келганликларини, шу куни тахминан соат 00:30 лардан ўтган вақтда келган мижозлар маст бўлиб қолишиб, аниқ бир сабабларсиз бир-бири билан жанжаллашиб кетганликларини, ушбу ресторан ишчиси М.Абдулсамиев уларга тинчланиб олишларини айтиб, у исмини кейинчалик билган А.Рахимовни кўчага олиб чиқиб, кеч бўлганлигини ва иш вақти тугаганлигини тушунтиришга ҳаракат қилганлигини, А.Рахимов эса маст ҳолда бўлганлиги сабабли унинг гапларига қулоқ солмасдан ва уни тушунмасдан ҳақорат қила бошлаганлигини, шунда улар ўртасида оғзаки тортишув бошланиб, А.Рахимов тўсатдан М.Абдулсамиевнинг кўз соҳасига бир мушт урганлигини, шу тариқа жанжал бошланиб, М.Абдулсамиев А.Рахимовни қучоқлаб олиб, улар ерга йиқилганликларини, шу вақтда ресторанда ичида бўлган А.Рахимовнинг қариндошлари ва холаси Д.Азимова уларнинг олдига келиб М.Абдулсамиевга ёпишиб кетганлигини, улар эса уларни ажратишга ҳаракат қилганликларини, шу вақтда Д.Азимова маст бўлганлиги сабабли ерга йиқилиб тушганлигини ва ресторан ичига кириб Р.Ражабовга ҳамда унга тегишли телефон аппаратларини олиб чиқиб, ерга улоқтирганлигини, шу вақтда ҳамкасби С.Самадов ердан телефон аппаратларини олаётган вақтида А.Рахимов келиб С.Самадовни қўли билан юз қисмидан бир мушт урганлигини, кейинчалик воқеа жойига ИИБ ходимлари келишиб, уларни олиб кетганликларини, Д.Азимова унга унинг телефон аппаратига етказилган зарарларни қоплаб бермаганлигини, Д.Азимовадан унга етказилган зарарларни ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Рахимова Дилрабо Наимовна суд мажлисида 2022 йил 26 май куни Бухоро шаҳрида жойлашган "Самонур" номли ресторанда туғилган кунни нишонлаш мақсадида борганликларини, шу куни тахминан соат 00:00 ларда Ҳ.Жумаев ресторан ичида тамаки маҳсулотини чекмоқчи бўлганида, ресторан ишчиси, у исмини кейинчалик билган М.Абдулсамиев бу ерда тамаки маҳсулотини чекиш мумкин эмаслигини айтганлигини, шунда ўғли А.Рахимов М.Абдулсамиевнинг олдига бориб, унга вазиятни тушунтирмоқчи бўлганида, М.Абдулсамиев уларни тушунишга ҳаракат қилмасдан жиянини кўчага олиб чиқиб кетганлигини, орадан бир оз вақт ўтиб, жияни Шахзод уларнинг олдига келиб, А.Рахимовни кўчада болалар ураётганликларини айтганлигини, шунда у кўчага чиққан вақтида бир неча фуқаролар А.Рахимовни уришмаслиги учун қучоқлаб олганликларини, М.Абдулсамиев эса тинчланмасдан жанжал қилишга ҳаракат қилаётганлигини кўрганлигини, шу вақтда уларни ажратиш мақсадида у ва синглиси Д.Азимова борган вақтида М.Абдулсамиев Д.Азимовани қўли билан уриб, итариб юборганлигини, синглиси эса ерга



йиқилиб тушганлигини, йиқилганида оёғининг тиззаси шилинганлигини ва қўл бармоғи синганлигини, шунда синглиси ички ишлар ходимларига қўнғироқ қилиш мақсадида ресторан ичидаги бардан телефон аппаратларини олиб келиб, кўчадаги ишчилардан кодини очиб беришларини айтганлигини, бирор киши телефонни очиб бермаганлиги учун, жаҳли чиқиб уларни улоқтириб юборганлигини, ўғли А.Рахимов С.Самадовни М.Абдулсамиевга ўхшатиб, бир мушт урганлигини, кейин қилган хатосини тушуниб, дарҳол кечирим сўраганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Қ.Ғуломов суд мажлисида гувоҳ Д.Рахимованинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчиси хулосасини, судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб ҳамда жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, судланувчилар М.Абдулсамиев ҳамда А.Рахимовнинг жиноят содир этганликдаги айби хабарнома (и.в. 5-6), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 7-10), суд-тиббий экспертизанинг 30.05.2022 йилдаги 446-сонли, 09.06.2022 йилдаги 527-сонли, 528-сонли, 10.06.2022 йилдаги 451-сонли хулосалари (и.в. 18-32), видеотасвирни кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлар (и.в. 49-58, 80-83), нарсани кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлар (и.в. 66-67), юзлаштириш баённомалари (и.в. 109-149), ашёвий далил ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Абдулсамиевнинг жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, безорилик ҳаракатларини олдини олиш чорасини кўриш учун келган фуқарога қаршилик кўрсатиб, уни уриб, баданга енгил шикаст етказиб, безорилик жиноятини содир қилганликдаги айби Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, суд судланувчи А.Рахимовнинг жиноий ҳаракатларини такроран безорилик жиноятини содир этганликда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан куйидаги асосларга кўра нотўғри айбланган деб ҳисоблайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддаси 1-қисмида эса “Ушбу кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади”, деб белгиланган.

Судда аниқланишича, А.Рахимов 2022 йил 27 май куни тахминан соат 01:30 ларда “Самонур” ресторани ташқарисида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан фуқаро М.Абдулсамиев билан ҳеч бир сабабсиз жанжаллашиб, жанжал вақтида М.Абдулсамиевни қўли билан юз соҳасидан қасддан урган ҳамда шу вақтнинг ўзида жанжал жойида бўлган



жанжалга умуман алоқаси бўлмаган С.Самадовни олдига бориб, қўли билан унинг ҳам юз соҳасидан бир маротаба урган.

Бундай ҳолатда, А.Рахимовнинг ҳаракатларини такроран жиноят содир этганликда эътироф этиб, унинг ҳаракатларини такроранлик белгиси билан малакалаб бўлмайди.

Юқоридагиларга кўра, суд А.Рахимовнинг ушбу жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” бандидан ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Суд судланувчи М.Абдулсамиевнинг муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд судланувчи А.Рахимовнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаб берганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этилишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин”лиги қайд этилган.

Ушбу кодекснинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги” белгиланган.

Суд, судланувчи М.Абдулсамиевга нисбатан жазо масаласини муҳокама қилиб, бу борада юқоридаги Қонун талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига риоя қилишлари лозимлиги тўғрисидаги талабларига амал қилиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг шахси, оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрорлигини, бўлиб ўтган воқеалардан пушаймондалигини қилмишнинг ижтимоий хавфлилик



даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, уни озодликдан маҳрум этмасдан туриб ҳам ахлоқини тузатиш мумкин деган хулосага келиб, унга у айбланаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топди.

Суд, судланувчи А.Рахимовга нисбатан жазо масаласини муҳокама қилиб, бу борада юқоридаги Қонун талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига риоя қилишлари лозимлиги тўғрисидаги талабларига амал қилиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг шахси, оилавий шароитини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчилигини, шу билан бирга қилмишининг ижтимоий хавфлилигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, унга у айбланаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топди.

Суд ашёвий далил сифатида эътироф этилган бир дона “Xiaomi 11” русумли, “Mizu 15 Lite” русумли телефон аппаратлари тилхат орқали С.Каримов ҳамда М.Ражабовга қайтарилганлиги ҳамда бир дона DVD диск жиноят ишига қўшилганлигини инобатга олишни лозим топди.

Суд, судланувчи А.Рахимов томонидан жабрланувчи С.Самадовга нисбатан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни ҳамда жабрланувчи ва бошқа манфаатдор тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471, 497¹-497⁴-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

1. **Абдулсамиев Миржон Мансур ўғли /Abdulsamiyev Mirjon Mansur ugli/** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Абдулсамиев Миржон Мансур ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи ички ишлар бўлими органлари белгилаб берган корхона, муассаса ва ташкилотларда ўтаттирилсин.



Жазони ўташ муддати М.Абдулсамиев Бухоро туман ИИО Пробация гуруҳи белгилаб берган корхона, муассаса ва ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилиш Бухоро туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

М.Абдулсамиевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

2. Рахимов Аббосали Ҳаётович /Raximov Abbosali Hayotovich/нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” бандидан ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинсин.

Рахимов Аббосали Ҳаётович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан 300 (уч юз) соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин.

Мажбурий жамоат ишлари мазкур жазо ижросини назорат қилувчи ички ишлар бўлими органлари белгилаб жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум мажбурий жамоат ишларига жалб қилинган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Жазонинг ижросини назорат қилиш Бухоро шаҳар ИИО Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

А.Рахимовга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган бир дона “Xiaomi 11” русумли, “Mizu 15 Lite” русумли телефон аппаратлари тилхат орқали С.Каримов ҳамда М.Ражабовга қайтарилганлиги ҳамда бир дона ДВД диск жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин

Жабрланувчи ва бошқа манфаатдор тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 /йигирма/ сутка ичида, судланувчилар ва жабрланувчиларга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ҳукм апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қонуний кучга кирганидан сўнг бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ж.Тожиев

Нусхаси аслига тўғри.

